

Яшил иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг истикболи

Мамлакатимизда саноат тармоқларига “яшил иқтисодиёт” тамойилларини жорий этиш, тежамкор ва юқори самарали энергия технологияларини қўллаш масаласига истиклолнинг дастлабки йилларидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда маҳаллий ҳамда хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда, кўплаб истикболли лойиҳалар амалга оширилаяпти. Зотан, энергияни тежаш нафақат катта миқдорда табиий газни иқтисод қилиш орқали самарадорликка эришиш, балки атмосферага чиқариладиган зарарли газларни камайтириб, экологик барқарорликни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Маълумки, иқтисодиёт ривожини бевосита электр ва иссиқлик энергияси таъминоти билан боғлиқ. Бироқ уни ҳосил қилиш ҳамда етказиб бериш жараёнида катта харажат талаб қилиниши билан бирга, ҳавога кўп миқдорда ис газини ҳам чиқарилади. Шу боис камуглеродли ва қайта тикланувчи манбалардан кенгроқ фойдаланиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда амалга ошириляётган “Ўзбекистон миллий иқтисодиётини камуглеродли ривожланишга ўтиш жараёнида қўллаб-қувватлаш” қўшма лойиҳасини шу мақсадга қаратилгани билан эътиборга молик.

Иқтисодиёт вазирлигида ташкил қилинган брифингида таъкидланидек, бугунги кунга қадар қўшма лойиҳа доирасида “Камуглеродли ривожланиш стратегияси” ҳамда 2050 йилгача бўлган даврда бажариладиган тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Уларга мувофиқ, ҳаётга татбиқ этиладиган янгиликлар туфайли 27,3 миллион тонна нефть эквивалентига тенг бўлган энергия ресурсини тежалишни кутилаяпти. Бундан ташқари, электр энергиясини ишлаб чиқаришда анъанавий манбалар билан бир қаторда, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш йўлга қўйилса, йилига 1,5 миллиард куб метр табиий газни иқтисод қилиш баробарида, қўшимча равишда 5 миллиард кВт-соат электр энергиясини олиш мумкин¹.

¹ Халқ сўзи газетаси

Мутахассисларнинг эътироф этишича, Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”нинг бу каби тамойилларини амалга оширишнинг табиий имконияти ниҳоятда катта.

Яна бир мамлакатимизда амалга оширилиши кутилган муҳим лойиҳа бу Ўзбекистонда 2013 — 2017 йилларда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар тўғрисидаги дастур бўлди. Унда қайд этилишича, республиканинг экологик сиёсати табиатнинг алоҳида элементларини муҳофаза қилишдан экологик тизимларни умумий муҳофазасига ўтишни амалга оширишга, инсон яшаш муҳитининг мақбул кўрсаткичларини кафолатлашга ва ўзаро алоқани иқтисодиёт тармоқларини “яшил иқтисодиёт” тамойилларига асосан ривожлантириш механизмлари билан уйғунлаштиришга йўналтирилган.

Дастур табиий ресурслардан, шу жумладан, сув, ер, минерал-хом ашё ва биологик ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш, ишлаб чиқаришда экологик тоза технологияларни жорий этиш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳисобига ҳаво муҳити, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини босқичма-босқич камайтириш, атроф табиий муҳитни мунтазам баҳолаш ва унинг ижтимоий-экологик ҳолати прогнозини тузиш учун атроф табиий муҳит мониторинги механизмини такомиллаштириш, экологик офат минтақасида — Оролбуйи ва мамлакатнинг бошқа экологик жихатдан ноқулай ҳудудларидаги экологик ҳолатни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини амалга оширишни кўзда тутди.

Айни чоғда мазкур дастур билан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва йирик шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги канализация тармоқлари тизимлари ва тозалаш иншоотларини яхшилаш, атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш чоралари кўрилади.

Тадбирларни амалга оширишга жами 89,39 млрд сўм, 1635,55 млн. АҚШ доллари ва 57,63 млн евро миқдорида маблағлар ажратилиши назарда тутилган. Шу жумладан, давлат бюджети маблағларидан қарийб 10,12 млрд сўм, вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар, Ўзбекистон ривожланиш ва тараккиёт жамғармаси, банклар кредитлари, шунингдек, жисмоний шахслар ва нодавлат юридик шахслар (ихтиёрий равишда) маблағлари — 79,27 млрд сўм, 1247,14 млн АҚШ доллари ва 57,49 млн еврога яқин, шу жумладан, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 3 млрд. сўм маблағлари сарфланади. Чет эл инвестициялари ва бошқа халқаро манбаларда — 388,41 млн. АҚШ доллари ва 140 минг евро, шу жумладан, табиатни муҳофаза

қилиш тадбирларига халқаро грантлар 3,52 млн АҚШ доллари ва 140 минг евро йўналтирилади².

Барчамизга яхши маълумки, бугунги кунда ривожланган мамлакатларда „Яшил“ иқтисодиёт тез суръатларда тараққий этмоқда. Кейинги йилларда дунёнинг йирик компаниялари маҳсулот ишлаб чиқаришнинг “яшил” технологияларига, хусусан, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда замонавий экологик ечимларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Компаниялар, энг аввало, атроф-муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида замонавий ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияларига ўта бошладилар. Бу жараёнда янги, хавфсиз материаллар ва хомаёшлардан, интеллектуал тизимлардан фойдаланилади, айниқса, робототехника ва симсиз сенсорли тармоқлардан фойдаланишга кўпроқ эътибор берилди. Бунга мисол тариқасида, корхонадаги жиҳозлар ва ускуналар, йиғувчи қурилмалар, конвейер, реактор ҳолатини узлуксиз назорат қилиб турадиган ҳамда ўзаро боғланган симсиз сенсорлар ва ахборот тизимини келтириб ўтиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги замонавий ишлаб чиқариш корхоналари истеъмолчилар манфаатларига хизмат қилиш билан бир каторда, экологик жиҳатдан самарали технологиялардан фойдаланишга ўтмоқдалар. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бундай технологиялар қўлланилиши натижасида атмосферага зарарли газларнинг чиқарилиши 15 фоизга камайд³. Германия, Дания, Швеция каби мамлакатларда “яшил” уйлар қуриш урф бўлмоқда. Бу уйларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилади. Айни пайтда уларда энергия истеъмоли ҳам минимал миқдорга туширилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, дунё иқтисодиёти экологик жиҳатдан тоза, битмас-туганмас ва қайта тиклануви энергия манбаларидан тобора кўпроқ фойдаланишга интиляпти. Бу ўзгаришларни энг аввало одамлар, истеъмолчиларнинг ўзлари ҳис қилишлари керак. Ана шундагина экологик жиҳатдан тоза турмуш тарзи кундалик меъёрга айланади ва бунинг оқибатида биз келажак авлодга атроф-муҳитга безарар бўлган, шу билан бирга „Яшил“ иқтисодиётга асосланган ривожланган саноат ишлаб чиқариш корхоналарини қолдиришимиз мумкин бўлади.

² www.stat.uz

³ www.uza.uz